

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.30.08.2018.FIL.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ**

**ТУРДИЕВ АЗИЗБЕК АНВАРЖОНОВИЧ**

**ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ФОЛЬКЛОР АНЪАНАЛАРИ ВА**  
**СИНКРЕТИК ҲОЛАТ (ТЎРА СУЛАЙМОН ИЖОДИ МИСОЛИДА)**

**10.00.08 – Фольклоршунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация  
автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**  
**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
philological sciences**

**Турдиев Азизбек Анваржонович**

Ўзбек шеърятининг фольклор анъаналари ва синкретик ҳолат (Тўра Сулаймон ижоди мисолида).....

**Турдиев Азизбек Анваржонович**

Традиции фольклора в узбекской поэзии и синкретизм (на примере произведений Туры Сулеймана).....

**Turdiev Azizbek Anvarjonovich**

Folklore traditions in Uzbek poetry and syncretism (in the example of works of Tura Sulaiman).....

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.30.08.2018.Fil.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ**

**ТУРДИЕВ АЗИЗБЕК АНВАРЖОНОВИЧ**

**ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ФОЛЬКЛОР АНЪАНАЛАРИ ВА  
СИНКРЕТИК ҲОЛАТ (ТЎРА СУЛАЙМОН ИЖОДИ МИСОЛИДА)**

**10.00.08 – Фольклоршунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация  
комиссиясида № В2019.1.PhD/Fil762 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tai.uz](http://www.tai.uz)) ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим портали ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Эшонқулов Жаббор Солиевич**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Раҳмонов Насимхон Асқарович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Очилов Эргаш Зокирович**  
филология фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:** **Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат  
Ўзбек тили ва адабиёти университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.30.08.2018.Fil.46.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент, Шахрисабз тор кўчаси, 5. Тел.: (99871) 233-36-50; fax: (99871) 233-71-44; e-mail: [uzlit@uzsci.net](mailto:uzlit@uzsci.net))

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2020 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2020 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Т.М.Мирзаев**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, академик

**Л.Худайкулова**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н.

**Ш.Турдимов**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, филол.ф.д.

**КИРИШ (фалсафа доктори PhD диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ахборот технологиялари тараққиёти натижасида глобаллашув жараёни жадаллашиб, инсоният тафаккури, қарашлари, урф-одатлари ягона маданий-ахборий майдонга қамраб олинаётган ХХІ асрда ҳар бир халқ, миллат ўзлигини сақлаб қолиши, келажак авлодини умуминсоний ва миллий эзгу ғоялар руҳида камол топишини таъминлаши долзарб масалага айланди. Шу нуқтаи назардан қараганда дунё халқларининг келгусидаги кийёфаси, мавжудлиги асрий анъаналарига, бошқача айтганда, миллий фольклорига қанчалар суянишига боғлиқ бўлиб қолди. Халқлар менталитетининг дурагайлашиб, алалоқибат миллат сифатида йўқолиб кетиш хавфидан фақат миллий-тарихий хотира, фольклорий асосларгина қутқариб қолиши мумкинлиги тобора равшанлашиб бормоқда. Шу боис ҳам жаҳоннинг буюк адиблари ўз асарларида оғзаки ижод намуналарига қайта-қайта мурожаат этаётирлар. Сирасини айтганда, глобаллашувга хос салбий оқибатларнинг олдини олиш йўлида халқларнинг маданий-адабий ҳаётида неофольклоризм даври бошланди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин миллий фольклорга суяниш, унинг асрий анъаналари ва намуналаридан ёш авлодни кўпроқ баҳраманд этиш тамойиллари устувор аҳамият касб этди. Сурхондарёда икки йилда бир марта анъанавий Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг ўтказилиши, Термиз шаҳрида давлат муассасаси шаклида Республика бахшичилик санъати маркази ҳамда унинг ҳузурида Бахшичилик санъатини ривожлантириш жамғармаси, шунингдек, бахшичилик санъатига ихтисослаштирилган республика мактаб-интернатининг ташкил этилиши, Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм вилоятларида бахшичилик санъати давлат ансамбллари, ушбу санъат тури ривожланган бошқа ҳудудларда эса вилоят ансамбллари фаолияти йўлга қўйилиши, янги ташкил қилинган ижод мактабларида бахшичилик синфларининг очилиши мамлакатимизда фольклор ва адабиёт ривожига қаратилаётган катта эътиборнинг амалий тасдиғидир.

“Инсоният яратган бебаҳо маданият дурдоналари энг аввало ҳар қайси миллатнинг фольклор санъатида мужассам топгани ҳаммамизга яхши маълум. ... Фольклор санъати, таъбир жоиз бўлса, бу – инсониятнинг болалик кўшиғидир”<sup>1</sup>. Шундай экан, халқ оғзаки ижодига хос умрбоқий эзгу ғояларнинг, бадий ифода услуби ва образларнинг, ритм, мотив ва сюжетларнинг ёзма адабиётга кўчиб ўтиши ҳамда бу жараёнда юзага келган синкретик ҳолатнинг бадий-эстетик табиатини илмий ўрганиш, фольклор таъсирида асарлар яратган муайян ижодкорларнинг бадий маҳоратини баҳолаш, замонавий шеърят ва кўҳна оғзаки адабиёт анъаналарининг ўзаро таъсирини тадқиқ этиш бугунги адабиётшунослик ва фольклоршунослик фани олдидаги муҳим масалалардан бири саналади. Ушбу диссертация иши

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг халқаро бахшичилик санъати фестивали очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи. – Тошкент, 2019. 7 апрель. – № 68.

орқали мана шу йўналишдаги тадқиқотларни давом эттириш ҳамда янги илмий хулосалар билан бойитиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ–5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ–2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ–3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги, 2019 йил 14 майдаги ПҚ–4320-сон “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги 222-сон “2010 – 2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2019 йил 23 сентябрдаги 798-сон “Республика бахшичилик санъати маркази ва унинг ҳузуридаги бахшичилик санъатини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Фольклорнинг ёзма адабиётга таъсири, ёзма адабиётдаги фольклор анъаналари масалалари дунё фольклоршунослиги ва адабиётшунослигидаги энг долзарб масалалардан бири сифатида тадқиқ этиб келинмоқда. XX асрнинг иккинчи ярмида бадий ижодда яна фольклорга юз буриш даври бошланди. Бу анъанани дунё адабиётининг пешқадам носирлари билан бир қаторда, шоирлари ҳам бирдек давом эттиришди. Фольклорнинг бадий ижодга таъсири, ёзма адабиётдаги фольклор анъаналари масалалари бўйича дунёдаги энг йирик илмий марказлар ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Бонн университети (Германия), Karabük Üniversitesi, İstanbul Üniversitesi, Ankara Üniversitesi, (Туркия), Bakı Avrasiya Universiteti (Озарбойжон)<sup>2</sup>, шунингдек, Ўзбек тили,

---

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар ҳақидаги маълумотлар [www.gazi.edu.tr](http://www.gazi.edu.tr); [www.hacibayram.edu.tr](http://www.hacibayram.edu.tr), [www.wisconsinuniversity](http://www.wisconsinuniversity); [www.indiana.edu](http://www.indiana.edu); [www.humboldt.edu](http://www.humboldt.edu), [www.michigan.uni.edu](http://www.michigan.uni.edu); <https://asiecentrale.revues.org/2919>; <http://www.dissercat.com>; [www.britanica.com](http://www.britanica.com); [www.cambridge.org](http://www.cambridge.org); [www.amazon.com](http://www.amazon.com); [www.twipx.com](http://www.twipx.com); [www.london.ac.uk](http://www.london.ac.uk), [www.ox.ac.uk](http://www.ox.ac.uk), [www.agency-nationalresearch.fr](http://www.agency-nationalresearch.fr); [www.harvard.edu](http://www.harvard.edu), [www.uni-bonn.de](http://www.uni-bonn.de), [www.karabuk.edu.tr](http://www.karabuk.edu.tr) ва бошқа манбалар асосида тайёрланди.

адабиёти ва фольклори институти ҳамда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Самарқанд давлат университети (Ўзбекистон)да илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда<sup>3</sup>.

Юқоридаги каби етакчи илмий даргоҳларда олиб борилаётган тадқиқотларда **ўзбек фольклори, ўзбек фольклорининг ёзма адабиётга таъсири, ҳозирги замон шеърлятида фольклор анъаналари**, фольклор бадий сўз санъатининг ибтидоси эканлиги, XX аср ўзбек шеърлятидаги ўзига хослик, ранг-барангликнинг юзага келишида фольклор анъаналарининг таъсири масалаларида туркиялик олимлар муайян илмий изланишларни амалга ошириб, ҳозирги замон ўзбек шеърлятининг ҳам ижтимоий, ҳам эстетик ҳодиса экани, ҳозирги замон ўзбек шеърлятининг ўзига хос хусусиятлари, шеърлий шакл ва мазмунда юз берган ўзгаришлар моҳиятини кўрсатиб бериш, фольклор анъаналарининг шеърлий матн композициясида, шакл ва мазмун мукаммаллашувида тутган ўрни; фольклоризмларнинг шоир услубига, матн бадииятига таъсири, шеърлий матндаги образларнинг ранг-баранглашуви, фольклорга хос ифода усули ижодкор маҳоратини намоён этишда ўзига хос омил бўлганлиги, дунё адабиётида мифологик талқин етакчи хусусият касб этаётгани, бадий образ, тимсол ва метафораларда мифологик тасаввурлар етакчилик қилаётгани ўз ифодасини топмоқда.

Рус адабиётшунослиги ва фольклоршунослигида М.К.Азадовский, П.С.Выходцев, В.Б.Агрба, Л.И.Емельянов, Г.А.Левинтон, У.Б.Далгат, А.А.Горелов, Е.Г.Позднякова, Л.П.Бессонова каби тадқиқотчилар томонидан фольклоризм ҳодисаси илмий изоҳланди<sup>4</sup>.

Ўзбек шеърлятида ижодкорларнинг фольклордан фойдаланиши масаласи Н.Маллаев, Н.Каримов, Б.Саримсоқов, Ғ.Мўминов, О.Собиров, У.Норматов, И.Ёрматов, О.Сафаров, Д.Холиқова, Л.Шарипова каби тадқиқотчилар илмий ишларида ифода этилган<sup>5</sup>.

---

<sup>3</sup>Райхл Карл. Тюркский эпос: традиции, формы, поэтическая структура. –М.: Востлит-ра, 2008. –380 с. Veli Savas Yelok. Erkin Vahidov'un Şiirleri Üzerine Dil ve Üslup Çalışması. – Ankara: Bengu yayinlari, 2017.– 712 s. Ertuğrul Yaman. Çağdaş Özbek Şiiri. – Istanbul: Akçağ yayinlari, 2015. – 254 s.

<sup>4</sup>Азадовский М.К. Статьи о литературе и фольклоре. – М. - Л.: Гослитиздат, 1960. – 547 с. Выходцев П.С. Русская советская поэзия и народное творчество. – Л.: Наука, 1963. – 549 с. Агрба В.Б. Абхазская поэзия и устное народное творчество. – Тбилиси: Мецниереба 1971. – 158 с. Емельянов Л.И. К вопросу о фольклоризме древней русской литературы // Русский фольклор. Т. VII. – М.-Л.: Наука, 1962.– С. 38-43. Левинтон Г. Заметки о фольклоризме Блока / Миф – Фольклор – Литература. – Л.: Наука, 1978. – С. 171-186. Далгат У. Литература и фольклор. – М.: Наука, 1981. – 303 с. Позднякова Е.Г. Фольклоризм прозы Н.М.Карамзина: Автореф. дис. канд. филол. наук. – Челябинск, 2003. Бессонова Л.П. Фольклорные традиции в творчестве А.Т.Твардовского (на примере поэмы «Страна Муравия») // Филологический вестник. – Майкоп: АГУ, 2004. № 6. – С. 108-115.

<sup>5</sup>Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1974. – 384 б. Каримов Н. Ҳамид Олимжон поэзиясида фольклор традициялари / Ўзбек адабиёти масалалари. – Тошкент: Фан, 1959. – 340 б. Саримсоқов Б. Фольклоризмлар типологияси масаласига доир / Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. 3-китоб. – Тошкент: Фан, 2010. – Б. 90. Мўминов Ғ. Изланишларимдан қатрлар. – Тошкент: Гафур Ғуллом номидаги НМИУ, 2006. – 232 б. Собиров О. Ўзбек совет адабиётида фольклор ва фольклор анъаналари / Ўзбек совет фольклори масалалари. 1-китоб. – Тошкент, 1970. – Б. 125-143.; ўша муаллиф. Ойбек ижодида фольклор. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1975. –104 б. Норматов У. Насримиз анъаналари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1978. – 216 б. Ёрматов И. Фольклоризмларнинг типологик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1982. №2. – Б. 55-58.; ўша муаллиф. Стилизация характеридаги фольклоризмлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1984. №3. – Б. 33-35.; ўша муаллиф. Ҳозирги ўзбек лирикасидаги синтезлашган фольклоризмлар хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1985. №2. –Б. 15-39. Сафаров О. Фольклор ва болалар адабиёти // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2003. №6. – Б.20-26.

Т.Сулаймон ижодий мероси тадқиқотчилар О.Собиров, Б.Саримсоқов, Н.Каримов, Ғ.Мўминов, Қ.Йўлдошев, Р.Маҳмудов, А.Қулжонов, А.Файзиев, У.Ўлжабоев, Л.Шарипова, Х.Мирҳайдаровлар ишларида у ёки бу шаклда ёритилган<sup>6</sup>. Айниқса, Б.Саримсоқов ҳамда Л.Шариповалар оддий ва мураккаб фольклоризмлар тадқиқи доирасида Т.Сулаймон шеърлари ва дostonларидан мисоллар келтириб ўтганлар.

Бироқ, Т.Сулаймон шеърлятида фольклор анъаналари, шоирнинг фольклоризмларни яратишдаги индивидуал маҳорати, халқ оғзаки ижоди таъсирида юзага келган ўзига хослиги, бадий матн такомилида фольклоризмларнинг ўрни ва аҳамияти, замонавий ўзбек шеърлятида символизм ва фольклоризм муносабати каби масалалар тўлиқ тадқиқ этилмаган. Шунинг учун Тўра Сулаймон ижоди мисолида фольклор анъаналарининг ёзма адабиётга таъсири масалаларини яхлит тизим сифатида ўрганиш ҳозирги ўзбек фольклоршунослигида долзарб вазифалардан биридир.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг илмий-тадқиқот режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** замонавий ўзбек шеърлятида фольклорга хос анъаналардан фойдаланиш тамойилларини Тўра Сулаймон ижоди мисолида тадқиқ этиш, шеърлятда фольклоризм ҳодисасини ўрганиш, фольклорга ёндашувда анъана ва новаторликни таҳлилий мисоллар орқали кўрсатиш, шеърлий матн бадиияти такомилида фольклоризм ҳодисасининг ўрни ва аҳамиятини, ёзма ва оғзаки ижоднинг синкретик имкониятларини илмий баҳолашдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймоннинг яхлит ижодий мероси мисолида фольклор анъаналарининг ёзма адабиётга таъсири масалаларини ўрганиш долзарб муаммо эканини илмий далиллаш;

Т.Сулаймон шеърлятининг турли йилларда адабиётшунослар ва фольклоршунослар томонидан ўрганилишини баҳолаш ҳамда уларнинг хулосаларини қиёслаш, умумлаштириш орқали янги илмий хулосаларни

---

Холиқова Д. Ҳозирги ўзбек шеърлятида фольклоризмлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2004. №4. – Б. 58-61. Шарипова Л. XX асрнинг 70-80 йиллари ўзбек шеърлятида фольклоризм. – Тошкент: Фан, 2011 – Б. 24.

<sup>6</sup>Собиров О. Халқ шеърлятининг шайдоси // Гулистон. – Сирдарё, 1971. №35.; Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. –Тошкент: Фан, 1978. – 152 б.; Каримов Н. Миртемир. –Тошкент: MERIYUS, 2012. – 240 б.; Мўминов Ғ. Ўзбек совет адабиёти тараққиётида фольклорнинг роли. – Тошкент: Фан, 1985. –128 б.; Йўлдошев Қ. Тоғдай юксак ғурур эгаси // Китоб дунёси. –Тошкент, 2014. №26.; ўша муаллиф. Ёниқ сўз. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. –Б.359-367.; ўша муаллиф. Ноёб адабий сиймо. Адабиёт газетаси. – Тошкент, 2019. №5-6.; Маҳмудов Р. Тўра Сулаймон. – Гулистон: Зиё, 2005. – 36 б. Қулжонов А. Созчи кўшиқлари // Зарбдор. – Жиззах, 1982. №2.; Файзиев А. Соз ва овоз ҳамоҳанглиги // Сирдарё ҳақиқати. – Сирдарё, 1984. №33.; Ўлжабоев У. Мангуликка дахлдор инсон / Тўра Сулаймон ижодида маънавий-маърифий тарбия масалалари. – Гулистон: Зиё, 2019. – Б.21-26.; Шарипова Л. XX асрнинг 70-80 йиллари ўзбек шеърлятида фольклоризм. – Тошкент: Фан, 2011. – 152 б.; Мирҳайдаров Х. Тўра Сулаймон дostonларида сажъ санъати. –Тошкент: Sano-standart, 2014. – 64 б.

тақдим этиш;

шеърятда фольклоризм ҳодисаси, фольклоризмларнинг таркибий тузилиши, оддий ва мураккаб фольклоризмлар хусусиятларининг жаҳонда ва юртимизда тадқиқ этилиш тарихи ва тадрижий такомилени кўрсатиб бериш;

фольклор анъаналари негизида асарлар яратиш Т.Сулаймон ижодининг ўзига хос хусусиятини белгиловчи асосий омил, ижодкор сифатидаги мавжудлигининг муҳим ўлчови эканлигини мисоллар орқали далиллаш;

муайян ижодкорлар асарларининг халқчиллиги, равонлиги, оммавийлигини таъминлашда ҳамда шеърый бадий матн такомилида фольклоризм ҳодисасининг ўрни ва аҳмиятини изоҳлаш;

ёзма адабиётга кўчиш жараёнида фольклорий рамзларнинг бадий-эстетик моҳиятидаги анъанавийлик ва янгиланиш қонуниятларини аниқлаш;

фольклоризм ҳодисаси оғзаки ижод намуналарини унутилиб кетишдан сақловчи муҳим омил эканлигини илмий исботлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Т.Сулаймоннинг “Истар кўнгил” (1962), “Мен қайга борар бўлсам”, (1965), “Қорасоч” (1965), “Сирдарё кўшиқлари” (1974), “Илтижо” (1976), “Сизни эслайман” (1980), “Қорақўзгинам” (1981), “Истар кўнгил” (1984), “Гулшан” (1988), “Гул бир ён, чаман бир ён” (1996), “Сайхон” (2003), “Сенсиз ёлғиз, ғариб бўлдим” (2013) китоблари, шунингдек, баъзи ўринларда қиёс учун Р.Парфининг “Сакина” (2013), Ш.Раҳмоннинг “Сайланма” (1997), М.Абдулҳакимнинг “Жавзо ташрифи” (2008), А.Ўктамнинг “Саҳар вақти юрак йиғлар (2014), С.Ашурнинг “Муҳаббат китоби” (2012), И.Мирзонинг “Сизни куйлайман” (2004) шеърый тўпламлари танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предметини** замонавий ўзбек шеърятдаги, хусусан, Тўра Сулаймон ижодий мероси, ундаги фольклорга хос анъаналар инъикоси, фольклоризм ҳодисасининг бадий-эстетик моҳияти, фольклор рамзларининг ёзма адабиётга кўчиб ўтишидаги янгиланишлар, ижодкор бадий мақсади ва ғоясини ифодалашда ҳамда бадий матн такомилида фольклоризмларнинг ўрни ва аҳмияти ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, этнофольклористик, этнопсихологик, семиотик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотининг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

Тўра Сулаймон ижодий мероси юзасидан турли тадқиқотчилар томонидан олиб борилган изланишлар ва билдирилган илмий фикрлар қиёсий ўрганилиб, яхлит умумий хулосаларга келинган;

ўзбек адабиётшунослиги ва фольклоршунослигида Тўра Сулаймон фольклоризми истилоҳи илмий жиҳатдан батафсил изоҳланган;

Тўра Сулаймон ижодий мероси тўлиқ фольклор анъаналари асосига қурилганлиги унинг ижодкор сифатида мавжудлиги ва ўзига хослигини белгиловчи энг муҳим омил эканлиги илмий далилланган;

ўзбек фольклоршунослиги ва адабиётшунослигида символизм тенденцияларида фольклоризм масаласи таҳлилга тортилган. Масаланинг шу

тарзда кўйилиши ва имкон даражасида ҳал этилиши ишнинг ўзига хос янгилигини таъминлайди;

Истиқлол даври шеърлятида фольклордан фойдаланишдаги анъана ва новаторликнинг ўзига хос жиҳатлари аниқ мисоллар билан кўрсатиб берилган;

янги давр ўзбек шеърлятидаги бадий матн такомиллида фольклоризмларнинг ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижаларидан келиб чиқадиган илмий хулосалар умумлаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

Тўра Сулаймоннинг ижодий мероси сараланиб, илк бор бугунги кун фольклоршунослиги асосида илмий тадқиқ этилган;

Шоир ижоди мисолида замонавий адабий жараёндаги фольклор анъаналарининг ўрни ва ўзига хос хусусиятлари атрофлича ёритиб берилган;

Фольклорнинг ёзма адабиётга таъсири масалалари, яхлит поэтик ходиса сифатидаги ўрни илмий тадқиқ этилган;

Тўра Сулаймон шеърлий меросини ўрганиш асосида чиқарилган назарий хулосалар умумўзбек шеърлятида фольклор анъаналарининг акс этишига доир муҳим илмий маълумотлар бериш, халқ оғзаки ижоди, ҳозирги замон ўзбек шеърляти бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратишда, диссертацияда таҳлилга тортилган фактик материаллар маданий-маърифий тадбирларда, оммавий ахборот воситаларида ўзбек шеърлятида фольклор анъаналарини тарғиб ва ташвиқ қилишда зарурий манба бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг ишончли манбалардан олингани, келтирилган таҳлил хулосаларининг қиёсий-тарихий, семиотик, статистик ва этнофольклористик каби методлар асосида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чиқарилган назарий хулосалар нафақат фольклор ва ёзма адабиёт анъаналарининг синкретик ҳолати, фольклоризмларнинг бадий-эстетик табиати ва уларнинг шеърлий матн бадииятида тутган ўрни, ёзма адабиётга кўчган фольклор рамзлари моҳиятидаги ижодкор мақсадидан келиб чиққан янгиланишлар ҳақидаги қарашларни бойитади ва кенгайтиради, балки умумўзбек шеърлятининг янгиланиш тамойиллари, ёзма адабиётга фольклор анъаналарининг таъсири ҳар бир даврда ўзига хос тарзда кечиши ва ҳар бир ижодкор меросида ўзига хос тарзда намоён бўлиш тенденцияларини тадқиқ этиш асосида, фольклоршунослик, адабиётшунослик, тилшунослик, санъатшунослик фанлари ривожига хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти оғзаки ва ёзма адабиёт муносабатлари, Тўра Сулаймон ижодий мероси ҳақидаги хулосалар адабиётшунослик, фольклоршунослик каби фанлар бўйича дарслик ва

қўлланмаларнинг янада такомиллашувига хизмат қилишида намоён бўлади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбек шеърлятида фольклор анъаналари ва синкретик ҳолатнинг таҳлилидан олинган натижалар асосида:

ўзбек шеърляти такомилида фольклоризм ҳодисаси ва унинг бадий эволюциясидан олинган натижалардан Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган ОТ - А1 - 47 – рақамли “Фольклоршунослик атамалари луғати” (2017-2018) амалий лойиҳасида фойдаланилган (ЎЗР Фанлар академиясининг 2019 йил 30 декабрдаги 3/1255-3384-сон маълумотномаси). Тадқиқотда фольклорнинг ёзма адабиётга таъсири фольклоризм ҳодисаси, фольклор ва ўзбек шеърляти каби мавзулар таҳлили мисолида ёритилиб, фольклор ва бадий ижод, фольклор анъаналари, бадий ижодда синкретик ҳолат каби масалалар ўзбек фольклоршунослиги борасидаги тасаввурларнинг кенгайтирган;

диссертация илмий натижалари, жумладан, тадқиқотчи томонидан нашрга тайёрланган “Гўрўғли султон бир ён”, “Сенсиз ёлғиз, ғариб бўлдим” китобларидан ПҚ–3271-сон ҳамда ВМ-891 қарорларида белгиланган вазибалар ижросини таъминлаш мақсадида Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида янгидан ташкил этилаётган “Халқ оғзаки ижоди” ҳамда “Ҳозирги замон ўзбек адабиёти” номли экспозиция тақдимотида фойдаланилган (ЎЗР Фанлар академиясининг 2019 йил 30 декабрдаги 3/1255-3384-сон маълумотномаси). Натижада тадқиқот ишининг мазмун моҳияти орқали кенг китобхон ва шеърлят ихлосмандларининг маънавий-маърифий дунёқарашини шакллантирган;

фольклор намуналари, хусусан, мақолларнинг замонавий ўзбек адабиётида қўлланиши муайян ижодкорлар асарларининг халқчиллиги, оммавийлиги, равонлигини таъминлаши, адабий персонажлар нутқининг таъсирчанлигини ошириши хусусидаги хулосалардан Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ташкил этилган семинарларда, жумладан, “Телерадио бошловчилик маҳорати мезонлари, бу борада юзага келган муаммолар ва уларнинг ечимлари” мавзусидаги семинар-тренинг тавсияларини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмасининг 2019 йил 10 декабрдаги 15/509-сон маълумотномаси). Натижада ижодкорлар асарларининг халқчиллиги, оммавийлиги, равонлигини ҳақидаги хулосалар кенг омма онгига етказилган;

Т.Сулаймон ижодида фольклор анъаналарининг тутган ўрни илмий изоҳидан олинган натижалар “O‘zbekiston” телерадиоканалининг “Ассалом, Ўзбекистон!”, “Тилга эътибор – элга эътибор”, “Таълим ва тараққиёт” туркум кўрсатувлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (ЎзМТРК “O‘zbekiston” телерадиоканали ДУКнинг 2019 йил 10 декабрдаги 02-02-2609-сон маълумотномаси). Натижада ёзма адабиётдаги фольклор рамзларининг ўрни, унинг асарлар равонлиги ва халқчиллигини таъминловчи жиҳатлари кўрсатувларда илгари сурилган қарашларнинг илмийлигини таъминлашга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 7 та

илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 4 та республика, 3 та халқаро миқёсдаги конференцияда қилинган маърузаларда илмий жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 23 та илмий иш, жумладан, 3 та тўпلام, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 7 та, жумладан 2 таси хорижий журналларда мақола чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 148 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, масаланинг ўрганилганлик даражаси, ишнинг илмий янгилиги, мақсад ва вазифалари, тадқиқот ишининг методологияси, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот манбаи, илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг жорийланиши, кутилаётган илмий янгиликлар, диссертация ишининг тузилиши ҳақида маълумот берилади.

Диссертациянинг **“Тўра Сулаймон ижодий мероси ва шеърятда фольклоризм”** номли илк бобининг биринчи фасли **“Тўра Сулаймон ижодий мероси ва унинг ўрганилиши”** деб аталган.

Мазкур фаслда ХХ аср ўзбек адабиёти ривожига муносиб ҳисса қўшган ижодкорлардан бири, йигирмадан ортиқ шеърый тўпلامлар, дostonлар ва публицистик асарлар муаллифи, Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймон ижодий мероси, унинг ўрганилиш даражаси очиб берилади.

Т.Сулаймоннинг тўлалигича халқ оғзаки ижоди таъсирида яратилган шеърлари, дostonлари, ҳикоялари, қиссалари ҳамда бадиий публицистик асарлари халқимиз маънавий меросини сезиларли даражада бойитди. Жумладан, унинг “Истар кўнгил”, “Қорасоч”, “Мен қайга борар бўлсам”, “Жаҳонгашта”, “Ҳамқишлоқларим”, “Сирдарё кўшиқлари”, “Илтижо”, “Алҳазар”, “Тўйбоши”, “Сизни эслайман”, “Қоракўзгинам”, “Истар кўнгил”, “Гулшан”, “Харсанг”, “Гул бир ён, чаман бир ён”, “Жаҳоннома”, “Ёвқочди”, “Сайхон”, “Зоди-зурёди шарифлар”, “Сенсиз ёлғиз, ғариб бўлдим” китобларидаги ижод намуналарининг салмоғи ва бадиияти шоир адабий меросини махсус тадқиқ этиш ҳамда кенг тарғиб қилиш зарурлигидан далолат беради.

Профессор Б.Саримсоқов “Ўзбек адабиётида сажъ” асарида халқ кўшиқлари таъсирида яратилган лирик шеърлар хусусида сўз юритаркан, фольклор асарларига стилизация қилиш шоир Тўра Сулаймон ижодига хослиги, у ўзининг лирик шеърларида халқ кўшиқларидан, улардаги тайёр поэтик кристалллардан, кўпроқ халқ кўшиқларидаги стилдан, руҳдан, ташбиҳ ва мажозлардан, сифатлаш ва муболағалардан фойдалангани ҳамда кўп

холларда уларни ўз ижодий мақсади йўлида хизмат қилдира олгани ҳақида ёзади<sup>7</sup>.

Профессор Қ.Йўлдошев даврий матбуотда шоир асарларига мунтазам тақризлар эълон қилиб боргани эътиборга молик<sup>8</sup>. Қолаверса, “Халқона руҳият мусаввири” номли мақоласида шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида кенг маълумот беради, асарларининг ўзига хос жиҳатларини чуқур таҳлил қилади. Руҳиятнинг тушунтириш мушкул бўлган қатламларини тадқиқ этиш, ҳиссиётдаги энг мураккаб жараёнларни бор чигалликлари билан тасвирлашга эътибор ўта кучайган ҳозирги даврда Т.Сулаймон ғоят миқёсли, қамровли фикрларни, гўзал бадиий топилдиқларни содда йўсинда, чигаллаштирмай, мураккаблаштирмай тасвирлаш йўлидан борганини, шоир асарларидаги соддалик теранликка хизмат қилганини таъкидлайди<sup>9</sup>.

Бошқа тадқиқотчилар ва ижодкорларнинг ҳам шоир асарларига билдирган муносабатлари атрофлича таҳлил қилинади. Тадқиқотчи Л.Шарипованинг номзодлик диссертациясини истисно этганда, Т.Сулаймон ижодида фольклор намуналарининг тутган ўрни, бадиий аҳамияти, шоир ижодидаги фольклоризм ҳодисасининг ўзига хосликлари, дostonларидаги образ, мотив, ритм стилизацияси каби масалалар, шунингдек, унинг оғзаки ижод намуналарини йиғиш ва матбуотда эълон қилиш билан боғлиқ фаолияти етарлича ўрганилмаган. Мазкур масалалар Т.Сулаймон ижодини махсус тадқиқ этиш зарурати мавжудлигини кўрсатади.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли **“Шеъриятда фольклоризм: муаммо ва ечим”** деб номланган бўлиб, унда жаҳон ва ўзбек адабиётшунослиги ҳамда фольклоршунослигида фольклор ва ёзма адабиёт муносабатларининг ўрганилиш тарихи, фольклоризм ҳодисасининг бадиий-эстетик табиати, таркибий хусусиятлари ҳақида сўз юритилади.

Фольклоршунос Ж.Эшонкулов таъкидлаганидек, дунёвий билимлар, адабиёт, умуман ҳар қандай санъат эшигига йўл фольклорни англашдан, бошланади<sup>10</sup>. Тадқиқотчи Ш.Турдимов фольклор ҳар бир одамнинг қонида борлиги ва ҳар қандай тил ибтидосида Улкан билимга тегишли тушунчалар мавжудлиги, фольклор бизга ўзимизни, ўзлигимизни англашга ёрдам бериши билан ҳам қимматли эканлигини қайд этиб, фольклор – маънавий она сутидир, дея таъкидлайди<sup>11</sup>.

Умуман олганда, юртимиз ҳудудида яратилган илк ёзма манбалардан бири саналувчи “Авесто”дан тортиб туркий халқларнинг муштарак мероси бўлган Ўрхун-Энасой тошбитикларигача, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғоти-т-турк” асаридан то Навоий ижоди ҳамда кейинги даврлардаги ёзма адабий меросгача фольклор таъсири яққол сезилади.

<sup>7</sup> Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. –Тошкент: Фан, 1978. – Б. 146.

<sup>8</sup> Йўлдошев Қ. Ҳамқишлоқларим // Гулистон. – Сирдарё: 1973. № 28; Йўлдошев Қ. Ҳажвий шамширнинг икки тиғи билан // Гулистон. – Сирдарё: 1977. № 16. Тоғдай юксак ғурур эгаси // Китоб дунёси. – Тошкент: 2014. № 26.

<sup>9</sup> Йўлдош Қ. Ёниқ сўз. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. Б. 362-363.

<sup>10</sup> Эшонкулов Ж. Фолклор – миллатнинг боқий тарихи // Ёшлик. – Тошкент: 2014. № 8. Б. 43.

<sup>11</sup> Турдимов Ш. Ўчмас сира дониш чироғи // Тафаккур. – Тошкент: 2015. № 1 – Б. 27.

Кейинги йиллардаги фольклор ва ёзма адабиёт муносабатлари ўрганилган тадқиқотларни кузатсак, илмий изланишлар асосан фольклоризмлар тушунчаси доирасида кечганини кўрамиз.

Манбаларда фольклоризм (инглизча *folklorismus*) – бадий адабиётда (театрда, журналистикада, шеърятда ва хоказо) фольклордан фойдаланиш, шунингдек, фольклорни тушуниш, мослаштириш ва ўзгартириш дея таърифланиб, анъанавий фольклорни замонавий маданиятда акс эттириш имкониятини бериши таъкидланган<sup>12</sup>.

“Фольклоризм” сўзи адабий термин ўлароқ дастлаб XIX асрда француз фольклоршуноси Поль Себийо томонидан қўлланилиб, “фольклор билан қизиқиш ва шуғулланиш” маъносини ифодалаган. Рус адабиётшунослигида XX асрнинг 30-йилларида М.К.Азадовский бадий адабиёт ва публицистикада фольклордан фойдаланишни фольклоризм деб атади. Шу асрнинг 60-йилларида “фольклоризм” истилоҳини қўллаш халқаро тус ола борди ва кенг ёйилди<sup>13</sup>.

Рус адабиётшунослиги ва фольклоршунослигида М.К.Азадовский, П.С.Виходцев, В.Б.Агрба, Л.И.Емельянов, Г.А.Левинтон, У.Б.Далгат, А.А.Горелов, Е.Г.Позднякова, Л.П.Бессонова каби тадқиқотчилар фольклоризм ҳодисасини илмий изоҳладилар<sup>14</sup>.

Ўзбек шеърятда ижодкорларнинг фольклордан фойдаланиши масаласи Н.Маллаев, Н.Каримов, Б.Саримсоқов, Ғ.Мўминов, О.Собиров, У.Норматов, И.Ёрматов, О.Сафаров, Д.Холиқова, Л.Шарипова каби тадқиқотчилар илмий ишларида ифода этилган<sup>15</sup>.

Фольклоризмларни оддий ва мураккаб турларга ажратиб ўрганиш уларнинг эстетик моҳиятини англаш ҳамда бадий вазифасини аниқлашда

<sup>12</sup> <https://ru.wikipedia.org/wiki/Фольклоризм>

<sup>13</sup> Литературный энциклопедический словарь. – Москва: Советская энциклопедия, 1987. – С. 469.

<sup>14</sup> Азадовский М.К. Статьи о литературе и фольклоре. – М. - Л.: Гослитиздат, 1960. – 547 с. Выходцев П.С. Русская советская поэзия и народное творчество. – Л.: Наука, 1963. – 549 с. Агрба В.Б. Абхазская поэзия и устное народное творчество. – Тбилиси: Мецниереба 1971. – 158 с. Емельянов Л.И. К вопросу о фольклоризме древней русской литературы // Русский фольклор. Т. VII. – М.-Л.: Наука, 1962. – С. 38-43. Левинтон Г. Заметки о фольклоризме Блока / Миф – Фольклор – Литература. – Л.: Наука, 1978. – С. 171-186. Далгат У. Литература и фольклор. – М.: Наука, 1981. – 303 с. Позднякова Е.Г. Фольклоризм прозы Н.М.Карамзина: Автореф. дис. канд. филол. наук. – Челябинск, 2003. Бессонова Л.П. Фольклорные традиции в творчестве А.Т.Твардовского (на примере поэмы «Страна Муравия») // Филологический вестник. – Майкоп: АГУ, 2004. №6. – С. 108-115.

<sup>15</sup> Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1974. – 384 б. Каримов Н. Ҳамид Олимжон поэзиясида фольклор традициялари / Ўзбек адабиёти масалалари. – Тошкент: Фан, 1959. – 340 б. Саримсоқов Б. Фольклоризмлар типологияси масаласига доир / Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. 3-китоб. – Тошкент: Фан, 2010. – Б. 90. Мўминов Ғ. Изланишларимдан қатрлар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2006. – 232 б. Собиров О. Ўзбек совет адабиётида фольклор ва фольклор анъаналари / Ўзбек совет фольклори масалалари. 1-китоб. – Тошкент, 1970. – Б. 125-143.; ўша муаллиф. Ойбек ижодида фольклор. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1975. – 104 б. Норматов У. Насримиз анъаналари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1978. – 216 б. Ёрматов И. Фольклоризмларнинг типологик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1982. №2. – Б. 55-58.; ўша муаллиф. Стилизация характеридаги фольклоризмлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1984. №3. – Б. 33-35.; ўша муаллиф. Ҳозирги ўзбек лирикасидаги синтезлашган фольклоризмлар хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1985. №2. – Б. 15-39. Сафаров О. Фольклор ва болалар адабиёти // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2003. №6. – Б.20-26. Холиқова Д. Ҳозирги ўзбек шеърятда фольклоризмлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2004. №4. – Б. 58-61. Шарипова Л. XX асрнинг 70-80 йиллари ўзбек шеърятда фольклоризм. – Тошкент: Фан, 2011 – Б. 24.

кулайлик яратади. Фольклоризмнинг яна бир муҳим томони шундаки, у оғзаки ижод намуналарини унутилиб кетишдан асрайди.

Диссертациянинг “**XX аср шеърятисида фольклорга анъанавий ва замонавий ёндашув инъикоси**” номли иккинчи бобидаги биринчи фасл “*Тўра Сулаймон шеърятисида халқ ижодининг тутган ўрни*” дея аталган бўлиб, унда шоир асарлари тўлалигича халқ оғзаки ижоди таъсирида яратилгани асосланади. Бунинг асосий сабаблари сифатида шоир табиатида халққа ички яқинлик борлиги, ижодий фаолиятини фольклор материалларини йиғиш ва матбуотда чоп этириш билан бошлаганлиги, қолаверса, устози Миртемир ижодининг ҳам бўртиқ хусусиятини оғзаки ижод анъаналари билан уйғунлик ташкил этганлиги каби жиҳатлар атрофлича таҳлил қилинади.

Хусусан, фольклоршунос Музаяна Алавия томонидан ёзиб олинган “Тебратар”<sup>16</sup> номли халқ термаси асосида шоир худди шу номдаги шеърини яратган. Қиёслаш учун ҳар икки ижод намунасини келтирамыз.

Халқ термасида	Тўра Сулаймонда
<p><i>Ҳаво ҳавони тебратар</i>  <i>Ҳаво булутни тебратар,</i>  <i>Булут ёгинни тебратар,</i>  <i>Ёгин ерни тебратар,</i>  <i>Ер кўкни тебратар,</i>  <i>Кўк бияни тебратар,</i>  <i>Бия қимизни тебратар,</i>  <i>Қимиз йигитни тебратар,</i>  <i>Йигит қизни тебратар,</i>  <i>Қиз бешикни тебратар.</i></p>	<p><i>Шамол шамолни тебратар</i>  <i>Шамол булутни тебратар,</i>  <i>Булут ёмғирни тебратар,</i>  <i>Ёмғир майсани тебратар,</i>  <i>Майса бияни тебратар,</i>  <i>Бия қимизни тебратар,</i>  <i>Қимиз йигитни тебратар,</i>  <i>Йигит сулувни тебратар.</i>  <i>Сулув бешикни тебратар,</i>  <i>Бешик болани тебратар,</i>  <i>Бола дунёни тебратар</i><sup>17</sup>.</p>

Ушбу мисолдан ҳам кўриниб турибдики, халқ оғзаки ижоди намуналари ҳаминша кучли мантикий изчилликка ва чуқур илмий асосга эга. Юқоридаги терманинг “Ҳаво ҳавони тебратар” деб бошланиши халқимиз табиат ҳодисаларининг келиб чиқиш асосларидан хабардор бўлганини ва табиий жараёнлардан бадиий-эстетик хулоса ҳам чиқара олганини далиллайди. Табиат ҳодисаларининг илмий изоҳларидан маълумки, иссиқ ва совуқ ҳаво оқимининг тўқнашувидан шамол юзага келади ҳамда у булутлар тўпланиши ва ҳаракатланишига сабаб бўлади. Халқ термасининг биринчи ва иккинчи сатрларидаги “ҳаво” тушунчаси Т.Сулаймон ижодига “шамол” тарзида кўчган. Шоир қолган мисраларда халқ термасидаги айрим сўзларнинг синонимларини қўллаб, “ёгин”ни – “ёмғир”, “кўк”ни – “майса”, “қиз”ни – “сулув” тарзида ифодалайди. Халқ термасидаги “ер” образи шоир вариантыда тушириб қолдирилади ва шу зайдда воқеалар ривожи тезлаштирилади. Ҳар икки ижод намунасини солиштирганда хулоса қилиш мумкинки, халқ термасида поэтик манзара табиий ҳолда ва оддий сўзлар

<sup>16</sup> Алавия М. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. – Тошкент: Фан, 1974. – Б.116

<sup>17</sup> Тўра Сулаймон. Сенсиз ёлғиз, ғариб бўлдим. – Тошкент: Мовароуннахр, 2013. – Б. 139.

билан ифода этилган. Т.Сулаймон талқинида бадий бўёқдор сўзлар қўлланган. Бу ўринда шоир сўзларнинг фақат чиройли синонимларидан фойдаланишнигина ният қилмаган, балки халқ термасидаги бўғин сакталигини сайқаллаш мақсадида ҳам “кўк”, “қиз” каби бир бўғинли сўзлар ўрнига икки бўғинли “майса”, “сулув” сингари калималарни ишлатган. Натижада шеър бошдан-охир 8 бўғинда – бир хил оҳангда давом этиши таъминланган. Яъни, халқ термаси “Ҳаво хавони тебратар” тарзида 8 бўғинли сатр билан бошланиб, “Кўк бияни тебратар”, “Йигит қизни тебратар” каби қаторларда 7 бўғиндан иборат бўлиб қолган ва бу ҳолат терманинг равон ўқилиш имконини чеклайди. Шоир халқ ижодининг мазмунини тўлиқ сақлаган ҳолда шаклдаги сакталикни бартараф этади ҳамда “Бешик болани тебратар, Бола дунёни тебратар” мисралари билан фольклордаги фикрнинг мантикий давомини ифода этади.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: халқнинг “Тебратар” термасидаги аксар мисралар шоир томонидан айнан ўзлаштирилган ва бир неча сатргина янгиланган. Шундай экан, мазкур шеърни Т.Сулаймон ижод маҳсули дея қабул қилиш мумкинми? Мумкин албатта! Чунки шоир мавжуд шеърини шакл асосида индивидуал хулосасини, янги фикрни, бой мазмун-моҳиятни ўқувчига етказди. Инсониятнинг бардавомлигини таъминловчи бош омил – зурриёд, фарзанд эканлигини, Одам Атодан мерос туйғу – болам деб яшаш инстинкти дунёнинг мавжудлигини таъминлаб турганлигини ифодалайди. Заминдаги илк одамнинг ота-онаси бўлмагани, у тупроқдан яратилгани учун ҳам инсоният ирсияти, генида ота-онага меҳр деган инстинкт мавжуд эмас. Бу туйғу ҳар бир инсонда тарбия билан шаклланади. Болага ғамхўрлик эса азалдан фитратимизда, қонимизда бор – чунки Одам Атонинг фарзандлари бўлган. Шунинг учун одамзод ҳамиша болам деб яшайди. Халқнинг “Мен боламан ўйлайман, болам боласини ўлайди” ёки “Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада” сингари ўнлаб мақоллари ибтидодан бошланган табиий ва айни пайтда маънавий жараёнларнинг фольклордаги ифодасидир.

Юқоридаги қиёсдан ҳам кўриниб турибдики, оғзаки ва ёзма адабиётга хос хусусиятларнинг синкретик ҳолати ижодкорга ўз фикрларини халқона тилда равон ифодалаш, бадий эстетик хулосаларини, туйғуларини ўқувчи қалби ва шуурига осон етказиш имконини беради. Бу жиҳат ёзма адабиёт намунаси бўлган асарнинг халқ орасида тез тарқалишига, осон ёдланишига олиб келади. Чунки фольклор намуналарида халқларнинг асрлар давомида шаклланган содда, самимий, беғубор туйғулари равон тилда ифода топади. Айни хислатлар одамзоднинг болаликдаги мусаффо руҳияти, тоза тийнати, рўй-рост феъл-атвори каби ёқимлидир.

Бундан ташқари, шоир ижодида оддий ва мураккаб фольклоризмларнинг деярли барча турлари учрайди. Масалан, унинг “*Жон куйдирмай жононага етмоқлик йўқ, дегандай, Этик ечмай тошқин сойдан ўтмоқлик йўқ, дегандай...*”, “*Бўз ямоғи бўз биландир Санам алвондин айрилмас...*” каби халқ мақоллари асосига қурилган сатрларда асл оддий фольклоризмлар, “*Доруломон кунни, замонасини Олтин бешигини – ер самосини...*”, “*Ватангадо кимсага беминнат макон қайда? Ёлғиз отга*

оламда ном қайда, нишон қайда?” сингари мисраларда қайта ишланган оддий фольклоризмлар юзага келган. Бу ўринда халқимизнинг “Она юртинг – олтин бешигинг”, “Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, Чанги чиқса ҳам доғи чиқмас” мақоллари шоир томонидан маҳорат билан шеърга сингдирилган. Натижада поэтик сатрлар таъсирчанлиги ортган.

Т.Сулаймоннинг аксар шеърларида фольклорга хос ритм стилизациясини кузатиш мумкин. Масалан, “Тогларнинг қори-қори, Қор тагида баҳори. Янги чиққан ой мисол Бўлсин ҳар кимнинг ёри...” каби тўртликларда халқ кўшиқлари таъсири яққол сезилади. Ритм стилизацияси шеърга халқона оҳанг бағишлаб, ундаги сатрлар тилга, туйғулар дилга осон кўчади.

Шоирнинг кўплаб шеърларида мотив стилизациясини кузатиш мумкин. Одатда, ўзбек халқида турмушга чиқмаган қиз тушида қуш кўрса, унинг тезда узатилиб кетиши таъбир қилинади. Туш мотивидан Т.Сулаймон “Сулув”<sup>18</sup> номли шеърида унумли фойдаланиши натижасида мураккаб фольклоризм ҳодисаси пайдо бўлган.

Т.Сулаймон халқнинг урф-одатлари, фольклор рамзлари моҳиятини чуқур билгани учун ҳам “Сулув” шеърида *тоғ лочини, чўққи, қоя, жарлик, дарё, сув* каби тимсоллар орқали лирик қаҳрамоннинг севги, оила, фарзанд, фаровон турмуш оғушида кечадиган келгусидаги бахтли ҳаётини тасвирлайди. Шеърдан тушуниладики, миллионлаб кўнгилларнинг сирини бағрига сингдирган Сирдарё сувчи қизнинг тушини аллақачон некбин таъбирлаб бўлган эди: чўпон йигит суюклисининг қалб изҳорини сув бўйидаги хилватда ўз кўзи билан кўриб, жон қулоғи ила эшитиб турганди.

Фольклор ва ёзма адабиётнинг синкретик ҳолати шеърларнинг таъсирчанлигини оширади. Ижодкорнинг ўз фикрларини ифодалаш имконини кенгайтиради. Ўқувчи томонидан бадий воқеаларнинг ҳаётий ҳақиқат сифатида қабул қилинишини осонлаштиради. Фольклоризмлар шоирлар ижодининг ғоявий-бадий руҳига сингиб кетиши уларнинг индивидуал маҳорати юқори эканлигини намоён этади. Фольклор намуналаридан самарали фойдаланиш ҳар қандай ижодкор асарларининг халқчиллигини, таъсир кўламини оширишга хизмат қилади.

Иккинчи бобнинг “**Фольклорга ёндашувда анъана ва новаторлик**” номли иккинчи фаслида қадимги туркий оғзаки ижод намуналари жамланган “Девону луғати-т-турк” асарида қайд этилган мақоллардан Т.Сулаймон ўз шеърлари ва “Қорасоч” достонида янгича ифода усулида фойдаланганлиги атрофлича ёритилган. “Девону луғатит-турк”да “баш”, яъни “яра” сўзини изоҳлашда Маҳмуд Кошғарий қуйидаги мақолни кўллаган: “*Кўни барир кейикнинг кўзинда адин баши йўқ*”. Маъноси: Ҳеч қаёққа қарамай, тўғри кетаётган кийикнинг кўзидан бошқа яраси йўқ. Яъни

---

<sup>18</sup> Тўра Сулаймон. Истар кўнгил. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. – Б. 39

“хақиқатда кўзи яра эмас”, демакдир. Оғир аҳволга тушиб қолиб, ҳар кимнинг маломатига йўлиққан киши ҳақида айтилган<sup>19</sup>.

Минг йиллар оша яшаб келаётган мазкур мақолдан Т.Сулаймон “Қорасоч” достонида ўринли фойдаланиши натижасида асл оддий фольклоризм ҳосил бўлган:

*“Тўғри юрган кийикнинг кўзидан бошқа айби йўқ. Ҳақмиз. Ҳақлигимизча қоламиз. Ҳадемай ой бир томондан кўниш бериб қолар. Сабр туби – сара олтин, сабрли етар муродга. Менда, ёши улуғ бўлса ҳам кийинчиликни бўйнига олиб, Бегмат бобо бош чўпон бўлсин, деган таклиф бор. Кўз-қош бўлиб турса бас, у ёғи – бизтан”<sup>20</sup>.*

Шоирнинг “Қорасоч” достони халқ достонлари таъсирида ёзилиши натижасида жанр стилизацияси юзага келган. Воқеалар ривожининг баёнида халқ достонларига хос сажъ усулидан унумли фойдаланилган, шеъринг парчаларда ритм стилизацияси ҳосил бўлган.

Т.Сулаймон шеърларида халқ оғзаки ижодига хос бўлган олқишлар ва қарғишлар алоҳида ўрин тутди. Шоирнинг “Лоладан сеп ёзиб келди гулбахор” сарлавҳали шеърдаги қуйидаги тўртликда халқнинг бир неча олқишлари қўлланган:

*Эрк-саодат доим бизга ёр бўлсин,  
Замонамиз омон бўлсин, бор бўлсин,  
Ботирлари қатордаги нор бўлсин,  
Босган изи олтин бўлсин, зар бўлсин<sup>21</sup>...*

Парчанинг биринчи, иккинчи ва тўртинчи сатрлари “Бахт-саодат ёр бўлсин!”, “Омон бўл, бор бўл!”, “Олганинг олтин бўлсин!” олқишлари асосида яратилган ва бу ҳолат шеърга тантанаворлик руҳини берган. Учинчи қаторда эса “Қаторингда норинг бўлса, юкинг ерда қолмагай” мақоли қайта ишланиши натижасида оддий фольклоризм юзага келган. Оддий ва мураккаб фольклоризмлардан самарали фойдаланиш шеърнинг равонлиги ва халқчиллигини таъминлаган.

Т.Сулаймоннинг фольклордан фойдаланишдаги новаторлиги “Эргаш Жуманбулбул ўғли эл кезади” туркумида янада яққол кўзга ташланади. Ушбу асардаги насрий сажълар ва шеърлар оғзаки ижод достонларига хос кетма-кетликда ифодаланиб, бошдан-охир халқона услубда ёзилган. Айрим тадқиқотчилар мазкур туркумни достон сифатида талқин этадилар<sup>22</sup>. “Етолмадим”, “Йиғлар”, “Сохтадин сохта”, “Ҳолинда”, “Айланиб”, “Кўрсатма”, “Сафин Абзий”, “Устивор” сингари сарлавҳали 18 та кичик парчадан иборат асарда бир қарашда бадий ва мантиқий изчиллик мавжуд эмасдек кўринади. Аммо асар бош қаҳрамони – бахши Эргаш Жуманбул ўғлининг эл орасида кезиб юриб, ўзи шоҳид бўлган воқеаларни – асосан

<sup>19</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луғати-т-турк. Туркий сўзлар девони. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. – Б. 374.

<sup>20</sup> Тўра Сулаймон. Қорасоч. – Тошкент: Бадий адабиёт нашриёти, 1965. – Б. 9.

<sup>21</sup> Тўра Сулаймон. Истар кўнгил. – Тошкент: Ўзадабийнашр, 1962. – Б. 10.

<sup>22</sup> Ўлжабоев У. Мангуликка дахлдор инсон. Тўра Сулаймон ижодида маънавий-маърифий тарбия масалалари. – Гулистон: Зиё, 2019. – Б. 22.

